

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛИЁРОВ БУНЁД ҲУСАНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ИХТИСОСЛАШГАН ЙЎНАЛИШЛАРДА
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

УЎК: 378.091.3:811.111

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Content Of The Dissertation Abstract Of The Doctor Of Philosophy (Phd) On
Pedagogical Sciences**

Холиёров Бунёд Хусанович

Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йўналишларда инглиз тилини ўқитишда
лексик компетенцияни ривожлантириш 3

Холиёров Бунёд Хусанович

Развитие лексической компетенции в преподавании английского языка по
направлениям, специализирующимся в сельском хозяйстве 23

Kholiyorov Bunyod Husanovich

Development Of Lexical Competence In Teaching English In Directions
Specializing To Agriculture 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.2019.Fil/Ped.83.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЛИЁРОВ БУНЁД ҲУСАНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ИХТИСОСЛАШГАН ЙЎНАЛИШЛАРДА
ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЛЕКСИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/Ped127 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида бажарилган
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://www.samdchti.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухтасинов Илхомжон Мадаминович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хашимова Дильдархан Урибаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Исроилова Дилдора Мухторовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат чет тиллари институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.2019.Fil/Ped.83.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» сентябре соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93. Тел.: (998366) 238-29-37; Факс: (99878) 210-00-18; E-mail: info@samdchti.uz.)

Диссертация билан Самарқанд давлат чет тиллари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (08 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой, 93. Тел.: (998366) 238-29-37; Факс: (99878) 210-00-18;

Диссертация автореферати 2021 йил «13» сентябре куни тарқатилди.
(2021 йил «13» сентябрь даги 18- рақамли реестр баённомаси)



Тухтасинов

Т.А. Бушуй

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси в.б., филология фанлари доктори, профессор

Ш.С. Ашуrow

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Ш.С. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, профессор

Ш.С. Ашуrow
Ш.С. Сафаров

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда турли мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий, маданий, таълимий, сиёсий ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг қамровли ҳамкорликлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги бутун дунёда муҳим иқтисодий тармоқлардан бири ҳисобланиб махсулот ишлаб чиқариш, қўшма лойиҳалар, аграр соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш, экинларни етиштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳасида мутахассисларни инглиз тили бўйича малакаларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис соҳага ихтисослашган йўналишларда инглиз тилини ўқитишда лексик компетенцияни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид лексикани ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йўналишларда натижаларга асосланган ёндашув асосида инглиз тилини ўқитиш, билимларни амалда қўллаш, лексик компетенцияни такомиллаштирувчи машқлар орқали кўникмаларни ошириш, касбий ривожланиш, коммуникатив компетенцияни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон амалиётида шахсга йўналтирилган ёндашув асосида ўқитиш (Accent Language Center), қишлоқ хўжалигига ихтисослашган аутентик матнларни танлаш мезонларидан фойдаланиш (Content and Language Integrated Learning), талабаларда соҳавий лексик малакаларни шакллантириш (English-medium instruction, task-based learning, language-based learning, content-based learning, project-based learning) ва лексик компетенцияни ривожлантириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш аҳамиятга молик бўлиб, мазкур чет эл тажрибаларини ўрганиш ҳамда лексик компетенцияни ривожлантиришга доир илмий изланишларни амалга оширишнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида етук, юқори малакали, замонавий фикрлайдиган ёш авлодни шакллантиришга қаратилган чет тилларини ўқитишнинг комплекс тизими яратилмоқда. “Инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни ўқитиш масаласига чуқур эътибор қаратиш, шу билан бирга, зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш”¹ каби вазифалар белгиланган. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”га мувофиқ кредит модуль тизимига ўтиш жараёнида қишлоқ хўжалигига оид лексикани ўқитиш, хусусан, методик ишларни ташкил этиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш, замон талабига мос келадиган таълим технологияларини ишлаб чиқиш лозимлигини, ҳар бир шахснинг интеллектуал ва психологик салоҳиятини намоён этиш, касбга йўналтирилган инглиз тили ўқитиш методикасини такомиллаштириш ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлисга мурожаатномаси // Правда востока, 2017 йил 23 декабрь. – № 248 (28706). – Б. 2.

чет тилларни пухта ўзлаштирган турли соҳа мутахассисларини тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 майдаги 174-сон «Олий таълим тизими учун хорижий ўқув ва илмий адабиётлар харид қилиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Европа мамлакатларида соҳавий терминологияни ўрганишда мотивация, соҳавий ўқитиш методикаси, соҳага ихтисослашган аутентик матнларни танлаш мезонларидан фойдаланиш А.Холубекова, Л.Моравкова, А.Хорнакова, Ву Тонг, Вероника Л. Муноз, Т.Кабре, Ричардс С.Жек, Роджерс, С.Теодор, Т.Хатчинсон, А.Валтерс, С.Гриффиц, Николетта Аурелия Марку, Жеанин Е. Турнерлар томонидан ўрганилган².

² Holubekova. A. – Moravcova. L. Working with text in accordance with the European Reference Framework. Proceedings of the international conference Professional Language at Universities V. Prague: CULS, Czech Republic, 2009.; Horňáková, A. Increasing motivation to learn professional language. Proceedings of the international conference Professional Language at Universities V. Prague: CULS FBE, Czech Republic, 2009.; Wu, Tong. Open the door to English with your native language: The role of the mother tongue in English language teaching in China. PhD diss. Aachen University, 2010.; Munoz V. L. The vocabulary of agriculture semi-popularization articles in English: A corpus-based study. English for specific purposes. 39 Argentina, 2015.; Cabré. T. Terminology. Theory, methods and applications. John Benjamins, Amsterdam, 1999.; Richards.J., Rodgers. C, Theodore S. Approaches and Methods in LanguageTeaching (2nd ed.) Cambridge, NewYork: Cambridge University Press, 2000.; Hutchinson, T., Walters, A. - *English for Specific Purposes: A learner-centered approach*, Cambridge: Cambridge University Press, 1987.; Griffiths, C. Language Learning Strategies: Theory and

МДХда коммуникатив йўналтирилган таълим ва нутқий фаолиятлар бўйича ўзга тил лексик компетенцияларини шакллантириш юзасидан Т.К.Борозенец, С.И.Гусева, И.В.Леушина, М.В.Мазо, И.А.Мегалова, О.Ю.Левченко, О.В.Федоровалар хорижий тилларни ўқитиш бўйича ўзларининг метод ва ишланмаларини таклиф этишган; алоҳида компетенциялар кўринишларини шакллантириш бўйича Н.И.Алмазова, Л.М.Босова, А.В.Гетманская, Л.А.Кареева, Т.В.Литвинова, О.В.Сиромясовларнинг илмий ишлари ва методик қўлланмалари ҳам ўрганилган; ўзга тил касбий компетентликни ривожлантириш юзасидан олиб борилган В.Ф.Аитов, А.П.Петрова, А.Н.Кузнецов, Я.Е.Кузнецов, Т.С.Макарова, О.Искандарова, М.В.Озероваларнинг асарлари ўрганиб чиқилди.

Мамлакатимизда кўзга кўринган етук олимлардан Ж.Ж.Жалолов, Л.Т.Ахмедова, Т.К.Саттаров, М.Джусупов, Г.Т.Махкамова, Ш.Ашуров, Д.У.Хошимова, М.Чориев, И.М.Тўхтасинов, М.А.Бердиева ва бошқа олимларнинг хорижий тилларни ўқитиш бўйича илмий ишлари мавжуд.³ Нофилологик олий таълим муассасалари талабаларини чет тилига ўқитиш методикаси ва лексик компетенцияни ривожлантириш масалалари билан боғлиқ бир қатор тадқиқотлар ҳам ўрганилди. Жумладан, Ф.М.Рашидова, Б.Г.Кулматов, Ф.Ш.Алимов, С.Назарова, Ф.И.Икромхонова, М.А.Назарова, Н.Х.Кушиева, Д.М.Исроилова ишларида ушбу масалалар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилган⁴.

Research Auckland, New Zealand - Occasional Paper №1, 2004.; Marcu N.A. Designing Functional ESP (English for Specific Purposes) Courses. *Procedia Manufacturing*, Volume 46. "George Emil Palade" University of Medicine, Pharmacy, Sciences and Technology of Targu Mures, 38 Gh. Marinescu St., Tg. Mures, Romania, 2020.; Jeannine T.E. Exploring effects of culture on students' achievement motives and goals, self-efficacy, and willingness for public performances. School of Education, Florida State University, Tallahassee, FL, USA, 2020.

³Jalolov J. Chet tili o'qitish metodikasi. – T., 2012. –B.434; Ахмедова Л.Т. Теория и практика обучения профессиональной русской речи студентов-филологов. – Т.: Фан ва технология, 2013. –200 с.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф.дис...д-ра пед.наук.-Т., 2000. - 32 с.; Джусупов М. Социолингвистические и лингвистические проблемы языка как средства общения и предмета изучения. Электрон ресурс: <http://bilingual-online.net/index.php?option=com>. (мурожаат санаси: 04.03.2019); Махкамова Г.Т. “ Вопросы билингвизма и мультилингвизма в подготовке будущих специалистов английского языка” – “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. - Тошкент, 2017. - С.11; Ashurov Sh. S. Possibilities of increasing the level of English proficiency. Foreign languages in Uzbekistan. – Tashkent, 2016; Хошимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лагун в контексте современного функционирования русского языка и межъязыковых взаимодействий: Дис. ... докт. пед. наук. – Ташкент, 2007. – 209 с.; Choriyev M. Ingliz tili leksikasini o'qitishning lingvodidaktik asoslari. – Qarshi, 2003; Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ҳодисаси асосида ривожлантириш. Автореф. ... кан. пед. наук. – Т.: 2018; Бердиева М.А. Формирование профессиональной компетенции студентов-юристов средствами русского языка (на материале устной речи): Дисс..., канд. пед. наук. - Т., 2009.- 168 с.

⁴ Рашидова Ф.М. Совершенствование концептуально-методических основ внедрения в систему непрерывного образования Узбекистана (на примере английского языка). Дисс. ...док.пед.наук. – Т.: 2017.-С. 309; Алимов Ф.Ш., Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида) Автореф. ... канд. пед. наук. – Т., 2018; Назарова С. Хитой тилига ўқитишда талабаларнинг чет тили лексик компетенциясини такомиллаштириш. Автореф. ... канд. пед. наук. - Т.: 2018, Кулматов Б.Г. Инглиз тилини инновацион технологиялар ёрдамида ўқитишда CEFR мезонларидан фойдаланишнинг назарий асосларини такомиллаштириш. Автореф. ... канд. пед. наук. -Т.: 2018; Назарова М.А. Инглиз тилидаги матнларни ўқишда талабаларни лексик полисемияга ўргатишни такомиллаштириш. Автореф. ... кан. пед. наук. – Т.: 2018.; Кушиева Н.Х. Талабаларга инглиз тилини ўқитишда кластерли ёндашув

Олий ўқув юртлирининг қишлоқ хўжалиги йўналишлари талабаларида лексик компетентликни ривожлантириш, нофилологик олий таълими парадигмаларининг ўзгариши ва педагогикада шахсга йўналтирилган таълимга ўтиш, ҳар бир талабанинг интеллектуал қобилиятини ҳисобга олиш ҳамда касбий хорижий тил лексик компетентлигини ошириш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Нофилологик олий ўқув юртлирида чет тилида эркин мулоқот қиладиган кадрлар тайёрлашнинг филологик ҳамда методик асосларини такомиллаштириш» банди ҳамда 2019-2021 йилларга мўлжалланган Жаҳон банкининг институтда олиб борилган “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” Академик Инновациялар Фонди гранти доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йўналишларда инглиз тилини ўқитишда лексик компетенцияни ривожлантиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ўқув юртлирида инглиз тилини коммуникатив ёндашув асосида ўқитиш ҳолатини таҳлил қилиш;

қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йўналишларда инглиз тилини ўқитишда соҳага оид терминларни ўқитиш технологияси босқичларини ўрганиш;

қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ўқув юрти талабаларида лексик компетенцияни ривожлантиришда соҳага оид терминларни репродуктив, фаол ва интерфаол услублардан фойдаланишнинг афзалликлари ҳамда самарадорлигини таҳлил қилиш;

онлайн таълимда ОООК (Оммавий Очик Онлайн Курс)лардан фойдаланиш, талабалар лексик компетенциясини аутентик видеоматериаллар ва электрон дарслик воситасида ривожлантиришнинг мазмуни ва шаклларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ўқув юрти талабаларига инглиз тилини ўқитишда лексик компетенцияни ривожлантириш жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предметини қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ўқув юрти 1-2-босқич талабаларининг инглиз тилини ўқитишда лексик

хусусиятлари: Дис. ... пед. фан. бўйича фалсафа док. – Тошкент, 2019. – 148 б.; Исроилова Д.М. Нофилологик олий ўқув юртлирида талабаларни фанлараро боғлиқликда касбга йўналтирилган инглиз тилига ўқитиш (технология факультети мисолида): Автореф. дис. ... пед. фан. бўйича фалсафа док. – Тошкент, 2020. – 58 б.; Икромхонова Ф.И. Инглиз тилидан коммуникатив-когнитив корректив курс назарияси ва амалиёти (нолисоний олий ўқув юртлири мисолида): Автореф. дис. ... пед. фан. ном. – Тошкент, 2012. – 26 б.

компетенциясини ривожлантириш мазмуни, шакл ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган усуллар мажмуи: назарий, таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш, диагностик сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, прогностик эксперт, баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш, педагогик тажриба-синов ва математик статистика (Стьюдент усули), маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқа усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги йўналиши талабаларининг инглиз тилидаги лексик компетенциясини ривожлантириш усулларидан ахборот узатиш, ҳамкорликда ишлаш, бир-бирини тузатиш, ўзаро биргаликда идрок этиш сингари коммуникатив ёндашув ҳамда аграр соҳалар учун таклиф этилган аутентик материаллар (газеталар, фильмлар, электрон почта хабарномалари, рисоалар, ёзиб олинган эълонлар) асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги соҳасига оид терминларни ўқитиш технологияси таснифлаш, тизимлаштириш, таксономия, аниқлаш, интенсифик, ассимиляция ва натижавий методологик ёндашувга кўра ёритилиб, инглиз тили ўқитиш фаолиятининг “тил тавсифлари”, “таълим назарияси”, “эхтиёж таҳлиллари” каби янги босқичлар асосида ишлаб чиқилган;

интегратив тил сатҳлари (эшитиш, ёзиш, ўқиш, гапириш)ни ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий, касбий ва академик кўникмалари талабаларнинг лексик компетенцияси қишлоқ хўжалиги соҳасига оид терминларни репродуктив (кўргазмали тушунтириш, тинглаш, хотирада сақлаш, хатосиз талаффуз қилиш) ўргатиш, ақлий хужум, муҳокама, ўқитиш, гуруҳ иши, тинглашга йўналтириш ва саволлар тузиш сингари фаол ҳамда ижодий иш, муаммоли таълим, моделлаштириш, блиц-сўров, ўқув курслари каби интерфаол услубларни самарали қўллаган ҳолда такомиллаштирилган;

мустақил таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ОООК (Оммавий Очиқ Онлайн Курс)лардан фойдаланиш орқали “Ижтимоийлашув ва тармоқлашув”, “Ихтисосликка кириш”, “Умумий хавфсизлик қоидалари”, “Агросаноат соҳасидаги алоқалар”, “Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш” каби 5 та модулдан иборат қишлоқ хўжалиги лексикаси асосида ихтисослашган, касбга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқ хўжалиги йўналишлари талабалари учун 5 та модулни ўз ичига олган “Agrarian syllabus” номли фан дастури ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги соҳасига оид терминларни ўқитиш технологияси босқичлари аниқлаштирилган;

5311500 - “Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши талабалари учун “English for cadastre” ўқув қўлланмаси нашр этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Унда қўлланган назарий маълумотлар ва усулларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллар воситасида асосланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олий таълим муассасаларида ўқитишнинг инновацион усуллари асосида талабаларнинг лексик компетенциясини ривожлантиришда қишлоқ хўжалиги йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг касбга йўналтирилганлик ҳолатини такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, инглиз тили ўқитишни инновацион педагогик усулларга асосланган самарали йўллари, машқ ва топшириқлар тизими, услубий ва дидактик таъминотидан қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, ўқув курсларидаги амалий машғулотларда ҳамда соҳа бўйича ўқув адабиётларнинг янги авлодини шакллантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йўналишларда инглиз тилини ўқитишда лексик компетенцияни ривожлантириш бўйича олинган натижалар:

коммуникатив ёндашув асосида қишлоқ хўжалиги йўналишида талабаларнинг инглиз тилидаги лексик компетенциясини ривожлантиришнинг аутентик материаллардан фойдаланиш шартлари аниқланган хулоса ва таклифлардан “EnSPIRE-U”, яъни Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тилини ўқитиш тизимини ислоҳ этиш лойиҳаси асосида (2017-2019) мутахассисликларга мос инглиз тилини ўқитишнинг “Аграр соҳага ихтисослашган олий ўқув юртларида инглиз тили фанидан ўқув дастури” намуналарини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 октябрдаги 89-03-3996-сон маълумотномаси). Натижада, олий таълим муассасаларининг қишлоқ хўжалиги таълим йўналишларида инглиз тилини ўқитишнинг намунавий дастури ҳамда янги авлод адабиётларини яратишга хизмат қилган;

методологик ёндашувга кўра аниқлаштирилган қишлоқ хўжалиги соҳасига оид терминларни ўқитиш технологияси босқичлари: аниқлаш, таснифлаш, тизимлаштириш, таксономия, интенсивлик, ассимиляция, натижавийликка оид хулоса ва таклифлардан 2017-2020 йилларда бажарилган “ICM, KA-107 - International Credit Mobility between European Union and Uzbekistan HEIs, through staff and student mobility exchange

projects”, “Erasmus+ CBHE дастурининг 598587-EPP-1-2018-EL-EPPKA2-CBHE-JP-ENV2 “ITEM”, Erasmus+CBHE дастурининг “609564-EPP-1-2019-1-ELEPPKA2-CBHE-JP” (MechaUz) халқаро лойиҳалари ижтимоий фанлар секторининг педагогика бўлимида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4400-сон маълумотномаси). Натижада, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид терминларни ўқитиш, мулоқот қилиш, фикрини мантиқан ифодалай олиш ва касбий билимини оширишга хизмат қилган;

талабаларнинг лексик компетенциясини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги соҳасига оид терминларни репродуктив, кўргазмали тушунтириш, тинглаш, хотирада сақлаш, хатосиз талаффуз қилишни ўқитишга қаратилган “English for cadastre” ўқув қўлланмаси ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон нашр гувоҳномаси). Натижада қишлоқ хўжалиги таълим йўналиши талабаларининг лексик компетенциясини ривожлантириш, инглиз тилида ўқиш, тинглаб тушуниш, ёзув ва нутқ кўникмаларини янада такомиллаштириш ва касбий билимини оширишга хизмат қилган;

мустақил таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ОООК (Оммавий Очiq Онлайн Курс)лардан фойдаланиш орқали 5 та модулли қишлоқ хўжалиги лексикаси бўйича такомиллаштирилган инглиз тилини ўқитиш методикасига оид таклиф ва хулосалардан 2019-2021 йилларга мўлжалланган Жаҳон банкининг Академик Инновациялар Фонди грант доирасида бажарилаётган “Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишининг масофавий таълимнинг дидактик таъминоти бўлимида ҳам кенг қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 ноябрдаги 89-03-4400-сон маълумотномаси). Натижада, масофавий таълим жараёнида очiq онлайн маърузалардан фойдаланиш кўлами кенгайган, электрон ресурслардан эркин фойдалана олиш ва маълумотларни таҳлил этиш самарадорлигини оширилишига имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та Республика миқёсидаги илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация тадқиқотларининг натижалари бўйича чоп этишга тавсия этилган ҳамда юқори импакт факторли ва SCOPUS базасида индексланган илмий журналларда 7 та мақола: 3 та республика ва 5 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазибалари, объекти ва предмети белгиланган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот усуллари аниқланган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган йўналишларда инглиз тилини ўқитишда лексик компетенцияни ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ўқув юртларида инглиз тилини ўқитиш ҳолати ҳамда инглиз тилини ўқитишда лексик компетенцияни ривожлантириш шартлари ёритилган.

Ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш билан бирга қишлоқ хўжалигида инглиз тилига талаб ортиб бормоқда. Аммо қишлоқ хўжалигида инглиз тилидан фойдаланишда айрим тўсиқлар мавжуд. Баъзи таржимонлар қишлоқ хўжалиги соҳасида талабаларнинг мақсадли эҳтиёжлари ва билим даражаларига эътибор бермайдилар, бу эса таълим жараёнида тушунмовчиликларни келтириб чиқаради⁵. Мулоқот кўникмаларининг тузилмаси кенг миқёсли нашрлар билан тавсифланган. Масалан:

1) тил кўникмаси, шу жумладан сўзлар, талаффуз ва грамматика қоидаларини билиш;

2) ижтимоий-тилшунослик қобилияти, яъни турли хил маданий ва ижтимоий шароитларга муносиб жавоб бериш қобилияти. Мулоқот мақсадига қараб, тегишли тил шакллари ва воситаларини танлаш ҳамда қўллаш коммуникатив вазиятлар ва иштирокчиларнинг ижтимоий роли;

3) турли хил коммуникатив турдаги сўзларни тушуниш қобилияти бўлган нутқ ваколати, турли функционал услубларда боғланган ва мантиқий жумлаларни яратиш;

4) стратегик ваколатлар, шу жумладан қўлланилиши мумкин бўлган оғзаки усуллар ёки стратегиялар ҳақида хабардор бўлиш;

5) ижтимоий-маданий етуклик она тилидаги маърузачиларнинг маданий хусусиятларини, уларнинг урф-одатларини ва хулқ-атвор нормалари ҳамда

⁵Hu Jia-ying, Li Chen-yang, Su Jing-yan. Analysis on Modal Value in Agriculture English. *Journal of Northeast Agricultural University (English Edition)*. Abstract. *Volume 20, Issue 3*, September 2013, – 83-87 [https://doi.org/10.1016/S1006-8104\(14\)60013-1](https://doi.org/10.1016/S1006-8104(14)60013-1).

амалга ошириш жараёнида муносиб фойдаланиши мумкин бўлган бошқа маданият вакилининг алоқаси;

б) ижтимоий қобилият - одамлар билан мулоқот қилиш ва унга бўлган ишонч, қобилият ва истак.

Махсус мақсадлар учун инглиз тили, жумладан, техник соҳага ихтисослашган талабаларга инглиз тили ўқитиш сўнгги йилларда тобора ўз аҳамиятини ошириб бормоқда. Инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитиш курслари талабаларни келажакдаги касбий фаолиятлари учун яхши тайёрлаб, бутун дунё бўйлаб тан олинган кадрлар сифатида етиштирилари кўзда тутади. И.М.Тухтасиновнинг таъкидлашича: “Талабаларнинг чет тилини ўрганишга бўлган қизиқишини шакллантириш, луғат, маълумотнома ва асл матнлар билан ишлаш қобилиятлари ва билимларини ривожлантириш, зарур бўлган грамматик материалларни тизимлаштириш, касбий матнларни тўғри тушуниш ва бадиий таржима маҳоратини ривожлантириш бугунги кун талабидир.”⁶

Инглиз тилини махсус мақсадларда ўқитиш ёки ESP (English for Specific Purposes) инглиз тилини маълум бир махсус соҳада фойдаланишни назарда тутиб ўқитиш ва ўрганишни англатади, бу ерда талабаларнинг мақсади маълум бир академик, касбий соҳада инглиз тилидан фойдаланишга йўналтирилган бўлиб, у EOP (Инглиз тили касбий мақсадлар учун) ва EAP (инглиз тили академик мақсадлар учун) кабилардан ажралиб туради.

Ўзбекистон иқтисодиётининг аксарият қисми қишлоқ хўжалигига йўналтирилганлиги сабабли, соҳани ривожлантириш учун ишлайдиган юзлаб хорижий компаниялар ва ташкилотлар мавжуд. Ушбу компаниялар ва ташкилотлар ўз ходимларини, одатда, қишлоқ хўжалик университетларининг битирувчиларидан жалб қилишади. Суҳбат вақтида иш берувчилар кўпинча инглиз тилидаги заифликни сезадилар. Аксарият битирувчилар мутахассислик бўйича кўникмаларга эга бўлса-да инглиз тилида кам малакага эга бўлишади. Шундай қилиб, инсон ресурслари(кадрлар бўлими) ходимлари кўпинча ишга жойлашиш учун инглиз тилини билишни ривожлантиришни таклиф қиладилар. Вазиятни яхшилаш учун ОТМларнинг ўқув режаси устувор масала ҳисобланади. Шу сабабли, тадқиқот муаммолари қишлоқ хўжалик университетларининг курсларида иккинчи тилни ўрганиш учун етарли усулларни аниқлашдан иборат. Ушбу тадқиқот қишлоқ хўжалик соҳаларидаги таълим тизимида катта роль ўйнайди, чунки кадрлар бўлими жамоаси гуруҳлари миллий ва халқаро миқёсда хизмат қилиш учун бир гуруҳ ходимларни жалб қилганда, маҳаллий кадрларнинг инглиз тилидаги заифлиги музокаралар, лойиҳаларни қабул қилиш, олий ўқув юртлари учун

⁶ Tukhtasinov I.M., Kholiyorov B.H. Features of the System of Formation of Compensatory Competence Among Agricultural Students as a Means of Filling in Professional Terminology. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-8 Issue-11, September 2019. P-2203-2206. <https://www.ijitee.org/wp-content/uploads/papers/v8i11/K20390981119.pdf>.

грант стипендияларини ўзлаштиришдаги барча ҳатти-ҳаракатларни барбод қилиши мумкин.

Агар муайян сўз турига (лексика) эришиш ва уни тушунишни истасак, қайси лексик бирликлар ушбу махсус сўз бирикмаларига, улар қандай шакллантирилганига ва матнлар ичида қайси вазифани бажариши кераклигини билишимиз керак. Бу махсус матнлар билан ишлашни осонлаштиради. Махсус матнлар қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитишнинг бошланиш нуктасидир.

Қишлоқ хўжалиги йўналишларида инглиз тили дарсларида лексик мукаммалик деганда аграр соҳага доир сўзлардан ўз касбий фаолиятида имкон қадар фойдаланиш, маълум бир муҳитда ўзлаштирган лексик бирликларни самарали қўллашни назарда тутилади.

Қишлоқ хўжалиги йўналишларида инглиз тилини ўқитишда бундай фанлараро ҳамкорлик мутахассислик фанлари ўқитувчилари билан ўзаро бирдамликда амалга ошириб келинган. Хусусан, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтида “Қишлоқ хўжалиги махсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси” кафедрасидаги профессор-ўқитувчилар билан яқиндан ҳамкорлик олиб борилади. Бу ҳамкорлик инглиз тили ўқитувчисининг дарс жараёнидаги материалларни тайёрлашда, талабаларга келажакда соҳаларига доир айнан қайси лексик бирликларни ишлатишда муаммоларга дуч келишига оид тавсияларда намоён бўлиши сабабли, мутахассислик ўқитувчиларининг (content teachers) роли аудиторияда билинмаслиги мумкин, лекин жараённинг ҳамкорликда тўғри ташкил этилиши дарсда мақсадга эришилиши билан исботланган.

Диссертациянинг **“Қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитишнинг шакл ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ўқув юртларида инглиз тили фанидан ўқув дастурлари таҳлили, инглиз тили амалий машғулотларида лексик компетенцияни ривожлантиришда фаол ва интерфаол услублардан ҳамда мустақил таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ООЖлардан фойдаланиш ёритилган.

Нофилологик олий таълим муассасаларида олий таълимнинг ҳозирги ривожланиш босқичида чет тилида мутахассислар тайёрлашга қўйиладиган талабларнинг маълум тарзда ягоналаштирилишига эҳтиёж бор. Мавжуд ўқув дастурлари ва стандартлари тез ўзгарувчан дунё билан ҳамқадам эмас. Афсуски, улар ҳар доим олий таълим муассасаларининг ўзига хос хусусиятларини, талабаларнинг касбий ва шахсий эҳтиёжларини ҳисобга олмайдилар, талаба, бўлғуси мутахассисни ўқитиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлашга алоҳида эътибор бермайдилар. Нофилологик олий таълим муассасаларининг ўқитувчилари кўпинча тақдим этиладиган тавсияларни мустақил равишда ишлаб чиқадиладар. Улар барча босқичларда талабаларнинг чет тилини ўқитишнинг энг мақбул усуллари, самарали йўллари, талабаларнинг таълим эҳтиёжларини, уларнинг билим

соҳасининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишга мажбур бўлмоқдалар.

Талаба бўлажак мутахассис сифатида қуйидаги кўникмаларни ўзлаштириши лозим:

- а) терминологик луғатларни ўрганиш;
- б) махсус адабиётларни моҳирона ўқишни ўрганиш;
- в) касбга йўналтирилган матнларни таржима қилиш;
- г) тегишли маълумотларни қайта ишлаш ва ундан фойдаланиш;
- д) махсус касбий муҳитда эркин мулоқотга киришиш.

Ўқув дастурининг мақсади қишлоқ хўжалигидаги касбий фаолиятини амалиётчилар ёки ўқитувчилар сифатида бошлашни мақсад қилган бўлажак аграр мутахассисларга қаратилган. Ўқув дастури аграр мутахассислар, қорақалпоқ балиқчилик соҳаси вакиллари, Қашқадарё вилояти буғдой ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологиялари, Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, Ўсимликлар биологияси кафедралари билан ҳамкорликда тайёрланган. Улар талабаларга келажакда эгаллашлари лозим бўлган инглиз тили ва касбий кўникмаларини танлашга кенг замин яратади.

Ўқув дастури 5 модулга бўлинган. Булар мутахассислар иштирокида ўтказилган эҳтиёжлар таҳлили натижасида танланган ва ўзгартирилган имкониятларга асосланган. Улар талабаларга инглиз тилида билишлари зарур бўлган асосий ижтимоий, касбий ва академик кўникмаларни қамраб олади. Масалан ижтимоийлашув, тақдимотлар ўтказиш, қисқа илмий мақолалар тайёрлаш ва қишлоқ хўжалигини тадқиқ қилиш учун инглиз тили.

Онлайн курслар одатий ўқув машғулотларини тўлдириши ёки ноанъанавий талабалар, масалан ишлайдиган мутахассислар ёки масофаси ёки молиявий имконияти чекланган талабалар учун ҳам ўқиш имкониятига эга бўлиши мумкин (1-жадвалга қаранг):

1-жадвал.

Онлайн курсларнинг имкониятлари

№	Онлайн курслар	Онлайн курсларнинг имкониятлари
1.	Оддий ўқув дастуридан четга чиқиш	Ҳар ўқув йилининг бошида чоп этилган дарслик ва тарқатма материаллар табиатан бир-бирига мос келмайди ва ҳатто эскирган маълумотларни ҳам тақдим қилиши мумкин. Онлайн курслар ва рақамли воситалар билан биргаликда фойдаланилганда, ушбу статик материаллар талабаларга Интернетда мавжуд бўлган жуда кўп маълумотларга киришга имкон берадиган билимларни йиғиш масканларига айланади. Аудиторияда ўқиш ва онлайн технологияларнинг бундай комбинацияси "аралашган таълим" деб номланади ва кўпгина мутахассислар буни таълимнинг олтин стандарти деб билишади. Дарҳақиқат, тадқиқотлар шуни кўрсатадики, талабалар

		интерфаол онлайн видеоларни одатий маърузаларга қараганда кўпроқ кўриши, билимларни эса қолишини 60 фоизга оширишга ёрдам беради.
2.	Асинхрон ўрганиш	Онлайн курсларнинг энг кучли афзалликларидан бири шундаки, улар талабаларга ўзларининг шахсий ўқув услубига энг мос келадиган вақт, жойда ва тезликда ўрганиш имкониятини беради. Машғулотларга эрта туришни ёқтирмайсизми? Дарсга етиб бориш учун жуда кам вақт бўлганида онлайн дарсларни куннинг исталган вақтида бошлаш имкони ҳам мавжуд. Қийин жараёнли, такрорлашни талаб қиладиган маърузалар ва материаллар билан машғулотларни олиб борасизми? Онлайн курслар ёрдамида сиз бир неча маротаба маърузаларни кўришингиз ёки ҳатто пастроқ тезликда тинглашингиз мумкин. Агар синфда баҳс-мунозаралар бўлса, ўқитувчилар эътиборини жалб қилиш учун мусобақада эмас, балки фикрларингизни тўплаш учун вақт ажратишингиз мумкин. Кўп талабалар учун, асинхрон ўрганиш ёки мустақил равишда онлайн равишда ўрганиш, дарсда чалғишни олдини олиш, материални тўлиқ ўзлаштириш ва таълим мақсадларини кузатишда ёрдам беради.
3.	Шахсга йўналган таълим	Онлайн курслар талабаларга нафақат ўзлари хоҳлаган вақтда, қаерда ва қайси вақтда ўқишни ўрганишларига имкон беради, балки илғор дастурий платформалар билан бирлашганда, ушбу курслар ва воситалар мослаштирилган тартибда таълим олишлари мумкин. Паст даражада ўзлаштирувчи талабаларни ўқитиш ва илғор талабаларни жалб қилишни таъминлашнинг усуллари билан бири ҳар бир талабанинг эҳтиёжларига мос келадиган онлайн воситалардан фойдаланишдир.
4.	Ноанъанавий усулда таҳсил олувчи талабалар учун ёрдам	Онлайн курслар ноанъанавий усулда таҳсил олувчи талабаларга, масалан ишлайдиган мутахассисларга ёки университет кампусидан жуда узоқ яшайдиган ёхуд анъанавий таълимнинг юқори нархини тўлай олмайдиган талабаларга катта ёрдам бериши мумкин. Онлайн курслар тайёр бўлгунга қадар бу талабалар ўзларининг таълим мақсадларига эриша олмас эдилар. Бундан ташқари, онлайн таълим борган сари кенг тарқалиб, рақамли таълим технологиялари ривожлангани сари, унинг умумий сифати ҳам яхшиланди. Натижада, кўплаб иш берувчилар онлайн даража ва малака курсларига рақамли технологияларни ўқитиш ҳамда касбий ютуқларнинг муҳим кўрсаткичлари сифатида қарашади.
5.	Тўсиқларни олиб ташлаш ва даромад оқимларини кўшиш	Онлайн курслар талабаларнинг таълим олиш имкониятларини кенгайтирганлиги сабабли, улар коллеж ва университетлар учун янги даромад манбаларини очади. Масалан, ўқитувчи энди яқка ўзи қатнашадиган ёки рақамли қурилмадан томоша қиладиган ва ўзаро алоқада бўлган талабалардан иборат битта аудиторияда маъруза ўқиши мумкин

Қишлоқ хўжалиги йўналишларидаги талабаларнинг ҳам мустақил ишларини ташкил этишда ООЖлардан фойдаланиш уларнинг лексик компетенциясини автоном тарзда ривожлантиришда муҳим аҳамият касб

этади. Айниқса, курсни уларнинг ўз соҳаларига йўналтирилган материаллар билан бойитилиши самарали натижаларга олиб келади деган фикрдамиз. Мустақил таълим жараёнини ООКлар ёрдамида ташкил этишда “content-based materials”га, яъни ихтисосликка асосланган материалларга кўпроқ урғу берилиши талабаларнинг фаоллигини оширади. Бу жараён талабаларга аутентик вазиятларга мослашиш билан бирга инглиз тилида лексик мукамалликка эришишни таъминлайди. Масалан, “Қишлоқ хўжалиги соҳаси учун махсус дронлардан фойдаланиш: ўз дронингни тайёрла ва лойиҳалаштир”⁷ деб номланган ООК талабалар учун қизиқарли курс бўлиб, замонавий қишлоқ хўжалигида дрон технологиялари ҳақида батафсил билим-кўникма берилиши билан бир қаторда талабаларнинг инглиз тилида лексик компетенциясини ҳам ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади.

Материаллар таркибининг хилма-хиллиги, ранг-баранглиги ҳамда соҳага урғу берилганлиги талабаларда унга бўлган қизиқишни оширишга хизмат қилади. Дейлик, аграр домен учун ташкил этиладиган ўқув жараёнларида, курс силлабусидан ташқари қўшимча тарзда “How to plow a garden”⁸ деб номланган қисқа видеороликни намойиш этиб, талабалардан унда келтирилган атамаларни алоҳида қайд қилиб, таржималарини ҳамда улар қатнашган гапларни тузишга асосланган мустақил топшириқларни берилиши лексик кўникмаларни оширишда жуда яхши восита бўлиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги йўналиши талабаларида асинхрон ўрганишга доир видеоматериаллардан унумли фойдаланиш лексик компетенциянинг акселератори вазифасини бажариши мумкин деб ҳисоблаймиз. Масалан, “The future of farming”⁹ видеороликни талабаларга мустақил иш сифатида тақдим этиш, уни кичик гуруҳларда қисмларга бўлиб муҳокама қилиш вазифасини топшириш, улар мустақил равишда жамоавий асинхрон ўрганиш кўникмасини ривожлантиради. Ундаги лексик бирликларнинг дарс пайтида муҳокама қилиниши талабаларнинг сўз бойлигини оширишга ёрдам беради.

Шунингдек, ноанъанавий талабалар деганда биз сиртқи йўналишларда ёки иккинчи ихтисослик бўйича таҳсил олувчиларни ҳам тушунишимиз мумкин. Қишлоқ хўжалиги йўналишларида инглиз тили дарсларида лексик бирликларнинг ўзлаштирилишига эришиш учун бундай тартибда таҳсил олувчи талабаларга тақдим этиладиган материаллар уларнинг географик жойлашуви, интернет тезлиги, билим даражаси каби омилларни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Анъанавий тарзда таълим олувчи талабалардан фарқли ўлароқ ноанъанавий талабаларда доим ҳам бундай имконият бўлмаслиги мумкин. Шунини инобатга олган ҳолда уларга

⁷ Drones for agriculture: Prepare and design your drone (UAV) Mission (eDX). Электрон ресурс: <https://www.mooc-list.com>. Мурожаат санаси: 27.05.2021

⁸ How To Plow a Garden - Two Bottom Plow. Электрон ресурс: <https://www.youtube.com>. Мурожаат санаси: 27.05.2021.

⁹ The future of farming. Электрон ресурс: <https://www.youtube.com>. Мурожаат санаси: 27.05.2021

бериладиган лексик топшириқлар мазмун, ҳажм, таркиб жиҳатидан бирмунча соддарок бўлиши лозим.

